

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ**  
**Б У Й Р У Ғ И**



**П Р И К А З**  
**МИНИСТРА ЮСТИЦИИ**  
**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

2018 йил “27” июнь

№ 336 -мх

« \_\_\_\_\_ » июня 2018 года.

**Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан адлия органига  
тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисобот шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 26 декабрдаги 308-мх-сон “Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 2852, 2016 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 609-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари ҳисоботларни ўз танловларига кўра электрон шаклда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда тегишли адлия органининг расмий сайти орқали тақдим этишлари мумкин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

5. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” — “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

6. Мазкур буйрук 2018 йил 1 июлдан кучга киради.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

Тошкент шаҳри



**Р. Давлетов**



Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг  
2018 йил "27" июндаги  
336 -сон буйруғига  
ИЛОВА

Нодавлат нотижорат ташкилотининг 20\_\_ йилдаги фаолияти тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

(Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) номи)				
<b>1. ННТни адлия органида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ёки ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами</b>				
<b>2. Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)</b>				
<b>3. ННТнинг рекузитлари тўғрисида маълумот</b>				
<i>жойлашган ери (почта манзили)</i>	<i>жойлашган ери (почта манзили)дан фойдаланиш учун асос (ўз мулкида, ижара, текинга ва бошқа асослар кўрсатилади)</i>	<i>электрон почта манзили</i>	<i>веб-сайти</i>	<i>телефон рақамлари</i>
<b>4. ННТ раҳбари ҳақида маълумот</b>		Ф.И.О.		
		туғилган йили		
		асосий иш жойи		
		сайланган (тайинланган) санаси		
<b>5. Доимий асосда ишловчи раҳбар органи — _____ нинг таркиби</b> (номи кўрсатилади)				
<i>Ф.И.О. (дастлаб раҳбар органга раислик қилувчи, сўнг аъзолари рўйхати кўрсатилади)</i>	<i>асосий иш жойи</i>	<i>лавозими</i>	<i>телефон рақами</i>	<i>сайланган (тайинланган) санаси</i>
<b>6. ННТда ишловчилар ҳақида маълумот*</b>				
жами ишловчи шахслар сони				
асосий иш жойи бўйича ишловчи ходимлар сони				
ўриндошлик бўйича ишловчи ходимлар сони				
шундан: шартнома асосида маълум лойиҳа (дастур)га ёки ишни вақтинча бажариш учун жалб қилинган шахслар сони (ҳисобот даври давомида)				
жамоатчилик асосида ишловчи шахслар сони (ҳисобот даври давомида)				
ишловчи чет эл фуқаролари сони (ҳисобот даври давомида)				
<b>7. ННТ аъзоларининг сони (ННТ уставида аъзолик назарда тутилган тақдирда кўрсатилади)</b>				
<b>8. ННТнинг ваколатхона ва филиаллари (ҳудудий бўлинмалари) сони (мавжуд бўлган тақдирда)</b>				
<b>9. ННТ билан йил давомида ҳамкорлик қилган ташкилотлар бўйича маълумотлар</b>				

<b>ҳамкор ташкилотлар номи</b>		<b>ҳамкорлик қилиш асослари</b> (хат, шартнома, келишув, меморандум ва бошқалар мавжуд бўлган тақдирда илова қилинади)	
<b>10. ННТ аъзо бўлган халқаро, чет эл ва маҳаллий ташкилотлар бўйича маълумотлар</b>			
<b>ташкилот номи</b>		<b>манзили</b>	
<b>11. ННТ иштирокида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари бўйича маълумот</b>			
<b>тадбиркорлик субъектининг номи</b>	<b>тадбиркорлик субъектининг СТИРи</b>	<b>тадбиркорлик субъектида ННТнинг улуши (фоизда)</b>	
<b>12. Ҳисобот даврида тайёрланган босма, аудиовизуал ва бошқа материаллар бўйича маълумотлар</b>			
<b>материаллар номи</b>	<b>материаллар тури</b>	<b>адади</b>	
<b>13. ННТнинг барча миллий ва хорижий валюта ҳисобварақларидаги пул маблағлари айланмаси бўйича маълумотлар</b> (ҳар бир ҳисобварақ кесимида алоҳида устунда суммалар рақам билан кўрсатилади, ҳисобварақалар сони устунлар сонидан кўп бўлганда янги устун қўшилади)			
<b>Маблағлар айланмаси йўналиши</b>	<b>Банк номи:</b> _____, <b>МФО:</b> _____, <b>ҳисобварақ рақами:</b> _____, <b>ҳисобварақ валютаси:</b> _____.	<b>Банк номи:</b> _____, <b>МФО:</b> _____, <b>ҳисобварақ рақами:</b> _____, <b>ҳисобварақ валютаси:</b> _____.	<b>Банк (Ғазначилик органлари) номи:</b> _____, <b>МФО:</b> _____, <b>Банк (ғазна)</b> <b>ҳисобварақ рақами:</b> _____, <b>ҳисобварақ валютаси:</b> _____.
<b>Ҳисобот даври бошига қолдиқ маблағ</b>			
<b>Ҳисобот даврида келиб тушган маблағлар миқдори</b>	Бош ташкилотидан (бош ташкилоти мавжуд бўлган тақдирда)		
	Тадбиркорлик фаолиятидан		
	Ноширлик фаолиятидан		
	Грантлардан		
	Ҳомийлардан		
	Чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқаролари ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан		
	Кириш ва аъзолик		

	бадалларидан			
	Бошқа манбалардан (турини кўрсатган ҳолда)			
	Жами			
<b>Ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлар</b>	ходимларнинг иш ҳақиға			
	асосий воситаларни харид қилишға			
	солиқларға			
	ўтказилган тadbирларға			
	ҳомийлик фаолиятиға			
	хизмат сафари, коммунал тўловлар, ижара ҳақи, интернет, алоқа, банк хизматиға			
	бошқа харажатларға (турини кўрсатган ҳолда)			
	Жами			
<b>Ҳисобот даври охирида қолдиқ маблағ</b>				
<b>14. ННТ томонидан ҳисобот даврида чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқаролари ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан олинган мол-мулклар ва улардан фойдаланиши бўйича маълумот</b>				
<i>ННТга мол-мулк ажратган юридик шахс номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.</i>	<i>мол-мулкнинг тури</i>	<i>мол-мулк суммаси</i>	<i>Мол-мулкнинг тарқатилиши ёки сарфланиши йўналиши</i>	<i>Тарқатилган ёки сарфланган мол-мулк суммаси</i>
<b>15. ННТ томонидан амалга оширилган лойиҳалар (дастурлар) ҳақида маълумот</b>				
<i>Лойиҳа (дастур) номи</i>	<i>Лойиҳа амалга оширилган ҳудуд номи</i>	<i>Ажратилган маблағ миқдори</i>	<i>Лойиҳа (дастур) юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумот (илова қилиниши мумкин)</i>	<i>Донор ташкилот номи (мавжуд бўлган тақдирда)</i>
<b>16. Ҳисобот даврида ННТ вакиллариининг ННТнинг фаолияти билан боғлиқ хорижий давлатларға сафарлари ҳақида маълумот</b>				
<i>ННТ вакилининг Ф.И.О.</i>	<i>Хорижий давлат номи</i>	<i>Таклиф қилган юридик шахснинг номи ёки жисмоний</i>	<i>Сафар мақсади</i>	<i>Сафар санаси (бошланиши ва тугаши санаси кўрсатилади)</i>

		<b>шахсинг Ф.И.О. (таклиф бўйича борганда)</b>	
<b>17. Ўтказилган тадбирлар (конференция, семинар, тренинг, йиғилиш, акция, давра суҳбати, учрашув, спорт мусобақалари ва бошқа шаклларда шахсларни тўплаш) тўғрисида маълумот</b>			
<b>Тадбир мавзуси</b>	<b>Тадбир ўтказилган жой</b>	<b>Тадбир ўтказилган сана (кун, ой, йил)</b>	
<b>18. ННТ томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисида юқоридаги бандларда кўрсатилмаган қўшимча маълумотлар (илова қилиниши мумкин)</b>			
<b>19. Аудиторлик текшируви ўтказилган сана (фақат жамоат фондлари учун)</b>			
<b>20. Фаолияти бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ҳисобот санаси ва эълон қилинган манба (фақат жамоат фондлари учун)</b>			
<b>21. Ҳисобот даврида ННТ фаолиятида вужудга келган муаммолар (мавжуд бўлган тақдирда)</b>			
<b>22. ННТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича асослангилган таклифлар (мавжуд бўлган тақдирда)</b>			

\* Бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган халқаро ва хорижий нодавлат ноижорат ташкилоти ваколатхонаси ва филиали томонидан қўшимча равишда уларда ишловчи шахсларнинг Ф.И.О., лавозими, туғилган йили ва жойи, фуқаролиги, турар жойи ва телефон рақами кўрсатилган рўйхат илова қилинади.

Мазкур ҳисобот шаклида келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман.

ННТ раҳбари:

\_\_\_\_\_ (имзо)

(М.Ў.)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)